



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 73 (7463).

14 апрель, 1981 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Яшасин ленинчи Совет Итти-
фоқи Коммунистик партияси!
Партиянинг кучи—халқ билан
бирлигидадир! Халқнинг кучи-
партия билан бирлигида, партия-
нинг раҳбарлигидадир!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1981 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҲИРИҲЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик кун—1 Май!
2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
3. Яшасин мангу барҳат революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!
4. Яшасин ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Партиянинг кучи—халқ билан бирлигидадир! Халқнинг кучи—партия билан бирлигида, партиянинг раҳбарлигидадир!

5. Владимир Ильич Ленин номи ва иши асрлар бўйи яшайверсин!

6. Совет Иттифоқи граждани! Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашини ўрганингиз!

7. Коммунистлар! КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашида пешқадам бўлингиз!

Улуғ Ватанимиз янада қудратли, бадавлат ва кўркам бўлиб бораверсин!

8. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ун биринчи беш йилдаги Ватан манфаатлари йўлидаги зарбдор ташаббускор меҳнат билан нишондалик! КПСС XXVI съезди қарорларини бажарамиз!

Ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун!

9. Коммунизм бинокори, тинчлик учун изчил курашиш—улуғ совет халқига шон-шарафлар!

10. Яшасин Советлар мамлакатининг қахрамон ишчилар синфи!

11. Яшасин шонли колхозчи деҳқонлар!
12. Яшасин совет халқ зиёлилари!
13. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустақкам иттифоқи!

14. Яшасин Совет Иттифоқи барча миллатлари ва элларининг қардошларча дўстлиги ҳамда мустақкам бирлиги!

15. Яшасин СССР Конституцияси!
Яшасин социалистик демократия!

16. Яшасин халқ депутатлари Советлари!
Меҳнаткашларнинг давлат ва жамият ишларини идора қилишдаги иштироки кенгайверсин!

17. Яшасин коммунизм мактаби, жамиятимизнинг мўтабар кучи—совет касаба союзлари!
18. Нигит ва қизлар! Илм-фанни, маданиятни, касб маҳоратини сабот билан ўрганингиз!

Коммунизм учун онгли курашчилар бўлингиз! Яшасин Ленин комсомоли!

19. Яшасин коммунистларнинг актив бинокорлари—совет хотин-қизлари!
Оналарга шон-шарафлар!

Бутун ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

20. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарлигини такомиллаштиригиз!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг улуғ ғалабаларини сергак туриб пухта ҳимоя қилингиз!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!
21. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги мислисиз жасорати асрлар бўйи яшайверсин!

Ватанимиз шон-шавкати, озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ривожланган социализм имкониятларидан, ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан тўлиқроқ фойдаланингиз!

Моддий чиқимларни ҳамайтиригиз, фондларнинг самарадорлигини оширигиз!

Экономика тежамли бўлмоғи керак!
23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жаддаллаштиригиз, илгор тажрибани жорий этингиз!

Экономика интенсив ривожлантирилсин!
24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Беш йиллик топириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа байрогини баланд кўтарингиз!

Тежамли ва сифатли ишлангиз!

25. Коммунистик қурилишнинг олдинги сафида бораётган Қизил байроқли коллективларга, беш йиллик гвардиячиларига шон-шарафлар!

26. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, самарадорлигини ва сифатини оширингиз!

Онгли коммунистик интизомни мустақкамлангиз, ижодий ташаббускорлик кўрсатингиз!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантирингиз!

Байкал-Амур магистрали қурилиши суръатлари оширилсин!

28. Ғарбий Сибирь меҳнаткашлари! Табиий бойликлардан Ватан манфаатлари йўлида тезроқ ва самаралироқ фойдаланингиз!

Газ ва нефть қазиб чиқаришни кўпайтирингиз!
29. Оғир индустрия ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини, маҳсулот сифатини оширингиз!

Халқ хўжалигининг хом ашё, ёқилғи, энергия, металлга бўлган талаб-эhtiёжини тўлиқроқ қондиригиз!

30. Машинасозлар! Серурум, тежамли ва пишиқ-пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари яратингиз!

31. Химия саноати ходимлари! Илгор технологияни жорий этингиз, халқ хўжалиги билан аҳолининг химия маҳсулотлари ва материалларга эhtiёжини тўлиқроқ таъминлангиз!

32. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, сифатини яхшилангиз!

Халқ учун моллар ишлаб чиқаришга, маиший хизматни ривожлантиришга кун сайин эhtiбор берилсин!

33. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал маблаглар самарадорлигини оширингиз!

Тез, сифатли ва замонавий техника асосида қуригиз!

1981 йилнинг ишга тушириладиган объектилари қуриб битказилсин!

34. Транспортер ва алоқа ходимлари! Халқ хўжалиги эhtiёжларини пухта равишда таъминлангиз! Илгор ва самарали иш формаларини жорий этингиз!

Совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз!

35. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ва узлуксиз ривожлантириш учун курашингиз! Уни индустриалаш ва химиялаш, ерларни мелiorациялаш суръатини жаддаллаштиригиз!

РСФСР Ноқоратупроқ зонасини обод қилишнинг комплекс программасини активроқ амалга оширингиз!

36. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг иxtисослаштириш ва марказлаштириш ривожлантирингиз!

Ердан, техникадан, ўнгалардан, см-хашакдан самаралироқ фойдаланингиз!

Кўкламги дала ишлари аёло сифатли ўтказилсин!

Мўл ҳосил етиштириб, Ватанин қувонтирайлик!

37. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари! Гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз! Чорвачилик — зарбдор фронт!

38. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг талаб-эhtiёжларини тўлиқроқ қондиригиз!

39. Совет Иттифоқи граждани! Жамоат бойлигини эhtiёт қилиб асрангиз, социалистик мулкни кўпайтирингиз!

Мамлакат бойликларида оқилона фойдаланингиз, табиятни ардоқлаб асрангиз!

40. Халқ хўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Ишлаб чиқариш техникаси, технологиясини, уни идора қилишни такомиллаштирингиз!

41. Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз!

Ижодий фикр билан ижодий меҳнат иттифоқи мустақкамланаверсин!

Совет фанига шон-шарафлар!

42. Давлат аппарати ходимлари! Иш услубини такомиллаштирингиз! Совет кишиларининг талаб ва эhtiёжларига сезгирлик билан қарангиз!

43. Халқ назоратчилари! Интизомни мустақкамлаш, иқтисод ва тежамкорлик учун ғайрат билан курашингиз!

44. Идеология фронтининг ходимлари! Тарбиявий ишлар, ахборот ва пропаганда ишининг сифатини оширингиз!

Ҳар бир совет кишиси коммунистик ғоявийлик, турмушда актив позицияда туриш руҳида тарбиялансин!

45. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

Совет санъатининг ғоявийлиги, партиявийлиги ва халқчилиги байроғини баланд кўтариб бори-
гиз!

46. Халқ маорифи ходимлари! Еш авлодга таълим, сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия сифатини оширингиз!

47. Олий ўқув юртли ва техникумларнинг ходимлари! Ғоявий жиҳатдан чиққан, юқори малакали мутахассислар тайёрлангиз!

Илм-фанни ривожлантирингиз, ишлаб чиқариш билан алоқани мустақкамлангиз!

48. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилингиз! Ўз вақтида ва малакали медицина ёрдами берингиз!

49. Физкультурчилар ва спортчилар! Физкультура ҳаракатининг оммавийлигини кучайтирингиз! Совет спортининг шухратини оширингиз!

50. Шонли ветеранлар! Ешларнинг мураббийлари! Еш авлодин Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялангиз!

51. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билан юрталарнинг талабалари! Совет Ватанини астойдил севингиз!

Билимларни, меҳнат кўникмаларини кунт билан ўрганингиз!

52. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

КПСС XXVI съезди тақдир этган ҳамда халқлар тинчлигини ва хавфсизлигини мустақкамлашга қаратилган ташаббуслар тўла-тўқис рўёбга чиқарилаверсин!

53. Коммунистлар ва ишчи партияларга қардошлик салом!

Халқ иши учун мардона курашчилар — коммунистларга шон-шарафлар!

54. Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустақкамланаверсин!

Яшасин халқроқ ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализи!

55. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг енгилмас иттифоқи мустақкамланаверсин!

56. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик салом!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини ҳимоя қилишдаги метиндек азму қарори!

57. Америка империализмининг кирдикорларига қатъият билан қаршилик қиладиган қаҳрамон Куба халқига қардошлик салом!

58. Қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик салом!

59. Мард Лаос халқига қардошлик салом!

60. Мустақил, озод, халқ Кампучиясини барпо этаётган Кампучия халқига қардошлик салом!

61. Апрель революцияси ғалабаларини мардона ҳимоя қиладиган афгон халқига қардошлик салом!

62. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синифига қардошлик салом!

Монополияларнинг эксплуатациясига ва зулмга қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия учун курашчиларга шон-шарафлар!

63. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган халқларга, миллий мустақиллик ва социал тараққиётни мустақкамлаш йўлидаги курашчиларга қардошлик салом!

64. Империализмга ва ирқчиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

65. Лотин Америкасида империализмга ва реаксияга қарши, ўз мамлакатларининг демократик ривож учун курашаётган халқларга оташин салом!

66. Фашистлар хунтасига қарши фидокорона курашаётган Чили меҳнаткашларига, барча демократларига қардошлик салом!

67. Озодлик, демократия ва социализм учун курашувчи, фашизм зиндонларида азоб чекиб ётганларга қардошлик салом!

Империализм ва реакция тутқиналарига озодлик!

68. Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашаётган араб халқларига оташин салом!

Совет-араб дўстлиги мустақкамланаверсин!

69. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европада Американинги янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига қарши курашингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик бўлсин!

70. Осиё мамлакатларининг халқлари! Тинчлик ва хавфсизлик учун, империализм билан гегемонизмнинг тил бириктиришига қарши, Осиёни ишонч ва ҳамкорлик қитъасига айлантириш учун курашингиз!

71. Улуғ ҳинд халқига оташин салом!

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустақкамланаверсин!

72. Жаҳон халқлари! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига кескин зарба берингиз!

Тинчликни мустақкамлайлик, кескинликни юмшатишни чуқурлаштирайлик, қуролланиш пойғасини жиловлалайлик!

73. Жаҳон халқлари! Ядро қуроли ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуроллари тақиқланиши учун изчиллик билан курашингиз!

Ядро урушига йўл йўк!

74. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

75. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олга!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

АҲОЛИ УЧУН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ҒОЯТ МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ИШ

13 апрель кун Тошкентда республика партия хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область, шаҳар, район партия комитетининг секретарлари, Қорағалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, шаҳарлардаги район ижроия комитетларининг раислари, министрликлар, идора раларнинг, бирлашмалар ва корхоналарнинг бошлангич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш ишгорлари ва новаторлари иштирок этдилар.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Савсий бюроси аъзоси Н. И. Худойбердиев доклады қилди.

Докладчи муҳамама этишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Йиғилишда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг ҳилини ошириш ва сифатини яхшилашга доир тадбирлар кўриб чиқилди.

Республика партия хўжалик активи йиғилишидан

Бинатининг калава ўривчи-сини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Мирзобоев, Хоразм область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Курдин, Бухоро область партия комитетининг секретари Р. Р. Болтаев, Ўзбекистон ССР Савдо министри М. Х. Ҳасанов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Р. Ҳашинов, республика маҳаллий саноат министри Г. Н. Насриддинов, Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари В. Р. Острецова, Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. Ҳамидов, «Ўзбектестильмаш» бирлашмаси партия комите-

тининг секретари В. П. Кравченко қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотичлар ўқиниб беш йиллик мобайнида республикада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш жадал ўсганини қайд этиб ўтдилар.

Республика меҳнатчилари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, топириқлар ва мажбуриятларини шараф билан бажардилар, ана шундай моллар ишлаб чиқаришнинг 46 процент кўпайтирилди.

Сирланган идиллар, чинни асбоблар, кир ювини воситалари, мебель, шойи газла-малар, кўн-газантерия, маданий-маиший ва рўзгор буюмларини савдо тармоқларига етказиб бериш айниқ-

са тез кўпаймоқда. «Б» группасининг янги тармоқлари — машинада тилам тўқиб, хрустал ва ошона мебели тайёрлаш каби тармоқлар вужудга келди. Ни газламалар, шойи, идиш-тоғ, керамика, галантерей, соватлар, нон-булка ва сут маҳсулотлари, ўсимлик ёти ишлаб чиқарадиган бир қанча янги йирик цехлар ва цехватлар ташкил қилинди.

Ўзбекистоннинг кичик шаҳарлари, ва қишлоқларида 130 та филиал барпо этилганлиги талайгина меҳнат ресурсларини сафарбар этиш, йилига қўшимча равишда ўн миллионлаб сўмлик моллар ишлаб чиқариш имконини берди.

Айни вақтда, актив йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, меҳнаткашларнинг оммавий истеъмол молларига тобора ортиб бораётган талаб-эhtiёбига ҳали ҳам тўлиқ қондирилмапти.

Йилига ишлаб чиқариш, савдо тармоқларида, бола-лар учун сифатли кийим-кечак кам ишлаб чиқарилмоқда. Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган маҳсулотларнинг проценти кам. Ип газламалар, юқори сифатли пойфал, бошқа бир қанча саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдода етнмашапти.

Йиғилиш қатнашчилари мавжуд қувватлардан тўлиқ

фойдаланилмаётган аялигини, ишга туширилаётган заводлар, фабрикалар ва цехларнинг лойиҳадаги ишлаб чиқариш қуввати сўз-ўзлаштирилмаётганлигини «Б» группаси корхоналари ишдаги мавжуд ижодий камчиликлардан бири деб топдилар.

Шу сабабли ҳаридорлар молларининг аниқгина қисми ҳаридорларга етказиб берилмапти. Халқ учун моллар ишлаб чиқараётган тармоқларнинг раҳбарлари

оммавий касбдаги илгчи кадрларни тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқаришда мўлим жойлаштириш проблемасини яна ҳам тезроқ ҳал этишлари, фан-техника тараққиёти ютуқларини сабот билан жорий қилишлари, ишлаб турган корхона-ларни жадал суръатлар билан реконструкция қилишлари ва техника билан қайта қуrollантиришлари лозим.

(Давоми 2-бетда).

Л. И. БРЕЖНЕВнинг ГФРга ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Ғаро келишувга мувофиқ КПСС Марказий Комитети Беш секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев шу йил Германия Федератив Рес-

публикасига визит билан боради.

Визитнинг иккада томонга мақбул аниқ ладти кейинчалик келишиб олинади.

**АҲОЛИ УЧУН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚА
РИШ—ҒОЯТ МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ИШ**

социалистик мусобада дара-
жасини оширилган иборат.
Актив йигитлигида СССР
Министрлар Совети Раиси-
нинг ўринбосари В. Н. Ма-
кеев мутқ сузлади.

Йигитлигида СССР Савдо
министри А. Н. Струев
СССР Енгил саноат минис-
три Н. Н. Тарасов, Центросо-
юз правлениясини раисининг
ўринбосари В. Г. Несте-
ренко, Ўзбекистон Ком-
мунист партияси Марказий Коми-
тети бюросининг аъзо-
лари ва аъзоликка канди-
датлар ширинкор этдилар.

рико, Ўзбекистон
партияси Марназий
тети бюросининг
лари ва аъзоликка
датлар иштирок этдила
(ЎзТА

сидаги ҳамкорлик Совет-Жазоир муносабатларини мустақамлашнинг муҳим омилдир. Оммавий ахборот воситалари органлари СССР ва Жазоир Халқ Демократия

Изёвор Халқ Демон
Республикаси халқлар
тастадида алоқаларни
дустликни мустақад
салмоқли ҳисса қўшим

Муҳаммад Санд ж
лик журналистлар У
тонда шодниёна кутиб о
уларга иззат-ҳурмат
тилланлиг учун самим
шаккур изҳор қилди.

Сунбадта «Совет У
тонда» газетасининг ре
ри М. Қориев, Ғаби
Компартияси Марказ
митети бўлимининг
Х. Р. Раҳимов, Ғаби

ИЙРОҚЛА

[illegible]

Асар муҳим мас
ҳал қилишда республи
ги илғор колхоз ва со
ларда тўпланган бой т
бани оммалаштира
лиги билан ҳам қим
дир. Мазкур китоб
техника билим юртлар
фаолияти билан ҳамд
ларга техника билим

▲ БЕРЛИН
Халқро демократик хотинларлар орададаги Перваз ватанпарварлари А. Мойда ва Э. Роининг тақдирли тугида яна жиддий ташаббуслар билдириди. Бундан сикиз илгари Аргентинада уйғир кетилган бу ватанпарварлар тўғрисида хозиргача ҳеч нарсга маълум эмас.

▲ ЛИСАБОН
Португалия поштаинтизини қозғатганда, 1948-йил ноябрда қозғатилган 746 қончаларда завоқсатлар билан моқда. Поштаинтизин ўзидики 200 мингдан уйғур киши иш қара қилмади. Хукуматнинг жиддий иқтисодий танглик оғир

▲ **ДЕХЛИ**

Покистон ҳарбий режими оппозицияга қарши репрессияни кучайтирмоқда. ЮПИ агентлигининг хабарига кўра, кейинги вақтда Покистонда генерал Зие-Ул-аҳк маъмуриятининг сиёсий мухолифларидан 10 мингдан кўпроқ киши қамоққа олинган.

▲ **РИМ**

Италия деңгизчилари за-
бастовка ўтказдилар. Улар

▲ **ПАРИЖ**

Япония астрономи М. Хон-
да янги юлдуз топди. У ос-
мон жисми Жанубий Крес-
олдузлар туркумининг шимо-
лий қисмида жойлашган.
Хайқаро астрономия тиффи-
ри япон олимининг кашфи-
тини тасдиқлаган. Франс
Пресс агентлиги янги юлдуз
астрономнинг номи билан
«Хонда юлдузи 1981» дей-
агеллигининг хабар қилди.

(ТАСС)



Сальвадор шаҳарлари ва қишлоқ жойларида жазо отрядлари ҳамда қонли режими тизма тизма террорчи тўдалари хунрезлик қилишяпти. Ҳар кун ўнлаб кишилар бу террор қурбони бўлишмоқда. Суратда: ҳўта солдатлари Сан-Сальвадор аҳолисини террор қилишмоқдалар.

ЮПИ — ТАСС фотоси.

▲ **БЕРЛИН**
Халқаро демократик хотин-кизлар федерацияси Парогвай ватанпарварлари А. Мойдана ва Э. Роининг тақдирли туғиш-сана яна жиддий ташаббус билдириди. Бундан савқис ойналган Аргентинада ўғирлаб кетилган бу ватанпарварлар туғирида ҳозиргача ҳеч нарса маълум эмас.

▲ **ЛИСАБОН**
Португалия пойтахтининг орноят зонасидаги юзлаб қоронголларда зобастовалар бўлмади. Пойтахтининг ўзидангина 200 мингдан кўпроқ киши ишга чиқмади. Ҳукуматнинг жиддий итисодий танглик оғир

кини маҳнаткаш халқ зимасига юқалш, унинг революцион ғалабаларини барбод қишга қаратилган сёсийатини илорозлик қарғатига айлантирилган маҳкуматлашларини кун сайин янги-янги от-дларни келиб қўйилмакда-ар.

▲ **ДЕХЛИ**

Покистон ҳарбий режими позицияга қарши репрессия-ни кучайтирмоқда. ЮПИ деҳлининг хабарига қўра, кейинги вақтда Покистонда генерал Зиб-Ул-лақ маъмури-янинг сийсий муҳолифлари-ни 10 миңдан кўпроқ киши амвоққа олиган.

▲ **РИМ**

Италия деңгизчилари за-востовқа ўтказдилар. Улар



ЯНГИ ҚУШИҚЛАР

ОХИСТА

Дилбар борур тонг чоғида
гулшан томон оҳиста,
Кўйиб яшнаб ёндоқ бўлур
ширмон, оҳиста.

Кўз учқун, юз гулгул,
кўлгис шўх, беомон.
Қараб маънаш, келур яқин,
дилбар жон оҳиста.

Чикиб пещов, кўринсам
гоҳ, илминки ташлар нигоҳ,
Шундай чоғда илҳам дилдан
кетар дармон, оҳиста.

Салом берсам яқин бориб,
кўлгис шўх, беомон,
Аллик оғиб чўғ меҳрини
айлар аён, оҳиста.

Яшил водий—меҳнат жойи,
яшнаб замин чиройи,
Йўлларда тўлур нурга еру
осмон оҳиста.

Қайга борсам кўлгис олтин,
музаффар эл қизин деб,
Тарифини сўзлар яшнаб
боғу бустон оҳиста.

Хар тонг чоғи қочиб уйкум,
йўлга чорлар орзуни,
Қамраб олар жону дилин
васлин хижрон оҳиста.

О, муҳаббат мунча зўрсан,
қўдратингга йўқ қисс,
Айтчи сенга асир тушмас
қайси инсон оҳиста.

НАЗАРМАТ.

АГИТБРИГАДА
ДАЛА КЕЗАДИ

Район маданият бўлимида ташкил этилган икки гуруҳдан иборат агитбригада аъзолари белгиланган график асосида дала меҳнат-кашларига хизмат кўрсатишга келишди. Ҳар бир гуруҳда «Билим» жамияти лектори, кўмак кутубхона ва бадий хаваскорлик коллективлари аъзолари бор. Улар қишлоқ дарида 80 мартадан зиёд чорвадорлар ҳузурида бўлиб, концерт, лекция ва суҳбатлар ташкил этишди. Ушбу «Жанг» варақаси чикарилди.

ЯНГИ ТўГАРАК

«Ангрен» совхозда янги бадий хаваскорлик тўғарида ташкил қилинди. Унда совхоз ишчилари, болалар боғчаси ходимлари ва мактаб ўқувчилари қатнашмоқдалар. Яқинда тўғарак аъзо-

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Қ. КАРИМОВ.

УН ТўИЛАРИ

Район маркази Қирғайда қурилган кўп қаватли иморатлар сафига яна битта турт қаватли турар-жой биноси қўшилди. Янги уйини 23-қўриқнинг трестига қарашли 3-механизациялашган кўмак колонна биноклари қўздан чиқаришди. Ҳозирги кунда 32 квартирани бу уй аҳолилари ободлаштирилмоқда.

КИТОБ ҲАФТАЛИГИ


Районда болалар ва ўсмирлар учун китоб ҳафта-

лиги ўтказилди. Ҳафталик давомида китобсеварлар республикамизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари билан учрашди. Жойларда турли мавзуларга бағишланган конференциялар бўлди. Китоб кўргазмалари ташкил қилинди. Ортақлар оламига саёҳат ва эртанилар ўтказилди. Айниқса, КПСС XXVI съезди делегатлари—Ўзбекистон чорвачилик илмий-тектириш институтининг директори Ш. Акмал-хонов ва «Коммунист» колхозини қосмон-ёшлар мактаб-жўрхорикорик бригадасининг бошлиғи Т. Шогийёсова билан ўтказилган учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

Қ. ҚўЛДОШЕВ, Оржоникидзе райони.

Тошкентдаги Ленин номи Марказий пионер ва ўқувчилар саройида болаларнинг дам олиши ва турли тўғаракларда қатнашиши учун барча имкониятлар мавжуд. Суратда: қувноқлар кўнгили хордиқ чиқаришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.



А. БОЗОРБЕКОВА.

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Баҳор лолалари, ўрик ва шафтоли гуллари билан безилган кенг ва шинам залга «Баҳор вальси» куйининг дилларини тўлқинлантурувчи майин оҳанги билан наврўзнинг ҳушбўй нафаси кириб келди. Нигиланларнинг чекрасида баҳор табассуми, кўнгилларида баҳор сурури. Зал тўғарида оғиб қўйилган фабрика маҳсулотлари — шоҳи сўзанадларда ҳам баҳор гулларининг тасвири.

Баҳор сониинг ёйган шу кўнларда республикамизнинг турли ерларида наврўз байрамлари ўтказилмоқда. Кўни кеча Тошкентдаги бадий буюмлар фабрикаси коллективини ала шундай тантаналинг тўғари бўлди.

Фабрика директори Бутхон опа Акбарова наврўз байрами иштирокчиларини 3 минг кишилик коллектив номидан қўтлаб, уларга азгу тиллақлар билдирди. Қўйлар қўшиқларга, қўшиқлар рақс-

А. БОЗОРБЕКОВА.

ЭХТИЁТКОРЛИК ЯХШИ

Кундан-кунга совет кишиларнинг турмуш шартлари яхшиланмоқда. Ҳозир ҳар бир хонадон мансий химия препаратлари, холодильник, радиоприёмник, телевизор, давомол ва бошқа электр қўлқўзларидан фойдаланади. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг уй-рўзгор юмушларини енгиллаштирилади. Шу билан бир вақтда улардан турғи фойдаланиб, ёнғин чўши сабабларига қарши курашиш ҳаммадан катта масъулият талаб этади.

Текширишлар кишиларнинг маъсуллик сезиш даъвога эга бўлиб, электр асбоб-ускуналаридан турғи фойдаланиш бидмасликларини кўнгинга ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатади. Коммунист раёонининг «Правда» колхозини территориясида

яшовчи Д. Жанаевнинг уйда ёнғин қолган электр даъвога, Ёзувчи раёонининг иштирокчи кўнларини III. Қўламиндирова хонадонидан электр симиди уланганча қолган сув қайнаткичларини қўзғиб кетиши натижа-сида ёнғин келиб чиққан.

Шу нарса ҳамма-нинг ёдида бўлиши керакки, ёнғинни ўчиришда кўра унинг олдини олиш енгилроқ ва афзалроқдир. Бунинг учун эса ёнғиндан сақланишнинг олдинги қўн-қўнларини билиш ва уларга қатъий амал қилиш киёф қилади.

Биринчи навбатда газ плиталари ва печларидан, шунингдек, электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишда ёнғиннинг олдини олиш қўн-қўнларига қатъий риоя қилиш зарур. Уларни доимо техник назоратдан ўтказиб туриш,

Электр ўтказгичларининг химия воситалари зарарланган бўлса, улардан фойдаланиш хавфлидир. Электр даъвога, чўйиқ, плита ва бошқа асбобларини фақатгина фойдаланиш мўжмин бўлган тармоқларга улаш таъсис қилинади. Айниқса, болаларнинг уйда ёлғиз қолиши ва газ плитаси, печ ҳамда электр асбоб-ускуналарини ўйнаши хуноқ оқибатларга олиб келади. Кўнгинга ёнғинларнинг сабабларини эса сирли ичмиллик истеъмоладан қўн-қўнларини ўзгаларнинг ўзлари бўлаётди.

Тошкент районидаги «Ленинград» совхозини территориясида истиқомат қиловчи Д. Қўламиндирова маъсуллик сезиш даъвога эга бўлиб, электр асбоб-ускуналарини тузатиш учун маъсул мухтасисларнинг таълим қилиш керак.

Олмалиқ шаҳрининг Советская кўчасидаги 411-уйда яшовчи Ю. Лесуенко ҳам маст ҳолда кечини оқибатда уйга қамалган туғунинг қўрқони бўлди.

Енгил атомашина-си бўлган кишилар ёнғиндан фойдаланишда ва бошқа ишларда нўхотда эҳтиёт бўлишлари лозим. Рамак ва уйларда тез аламлидан қўн-қўнларини маъсулларини сақлаш қатъий ман қилинади.

Хуллас, ҳар қандай кўн-қўнларни эҳтиёт қилиш учун эҳтиёт чораларини кўрмоғимиз шартдир.

В. ЛУКИН, област' ижроия комитети ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан ҳимоя қилиш бўлимининг бошлиғи.

ЕНГИНДАН
САҚЛАНИНГ

ниш керак. Ҳар қим ўз ҳолига қолганга электр фойдаланиш қатъий ман қилинади. Шунингдек, фойдаланишда ёнғиннинг олдини олиш қўн-қўнларига қатъий риоя қилиш зарур. Уларни доимо техник назоратдан ўтказиб туриш,

Электр тармоқларини ортиқча энергия зараридан сақлаш, қисқа туғунлашларнинг олдини олиш учун заводаларда маъсул таъбирланган ҳимоя воситаларида фойдаланиш зарур.

Электр тармоқларини ортиқча энергия зараридан сақлаш, қисқа туғунлашларнинг олдини олиш учун заводаларда маъсул таъбирланган ҳимоя воситаларида фойдаланиш зарур.

Электр тармоқларини ортиқча энергия зараридан сақлаш, қисқа туғунлашларнинг олдини олиш учун заводаларда маъсул таъбирланган ҳимоя воситаларида фойдаланиш зарур.

АЖОНИБОТЛАР ОЛАМИДА

эмасди. Бу гап фақат шаҳар аҳолисига тааллуқли. Шулар ҳам бож тўлаб соқол қўйиб юрверилари мўжмин эди. Пошдо бу божни ҳазинани тўлдирувчи манба деб билган бўлиши керак ва ўша замонларда янча қўн-қўнлар бож белинган. Масалан, амалдорлар ва савдогарлардан йилга 60 сўн олиб турилган, арава-нашлар ва файтунилардан эса 30 сўмдан

олинган. Соқолли деҳқонлар эса шаҳарга кириб келишда ва шаҳардан чиқиб кетаётганларида 1 тийиндан тўлашлари керак бўлган.

Қадинги таъга йиғинлардан бири Веление Луки музейини соғат эган қадимги мис ишон шун эс-латди.

М. АМАЕВ, ТАСС мухбири. Веление Луки, Псков области.

Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи босма-хонаси республикамиз мактаб ўқувчилари учун йилга ўзбек тилида 3 миллион 400 минг нусхада дарсликлар тайёрламоқда. Суратларда: қорхона муқолаш деҳқонини назоратчилари (чапда) С. Азизова ва Қ. Абдукаримовалар маъсулоти сифатини кўздан кечираётганлар. Комсомол-ёшлар, С. Мама-химова ва М. Усмонова (ўн-дан) — муқолаш деҳқонини пилор иштилади.

И. Глауберзон фотолари.

Спорте

А ХОККЕЙ

Ўтган яшанба кўни Шведиянинг Стокгольм ва Гетеборг шаҳарларида хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати тантанали равишда очилди. Чемпионатда иштирок этаётган 8 команда икки гуруҳга бўлинди. Стокгольмда СССР, Канада, Финляндия, Голландия, Гетеборг эса ЧССР, Швеция, АКШ ва ФРГ командалари ўзаро бахslashиш-ланг. СССР терма команди-си биринчи учрашувни Голландия хоккейчилари билан ўтказди. 10:1 ҳисобида галабага эришилди. Кеча янгикиларнинг Финляндия терма команди-си билан майдонга тушибди.

ОЛИНЧИ ЛИГА. Чемпионат жадалидан қисқа танаф-фусдан фойдаланган «Шах-мат» команди футболчилари иккита уртоқлик учрашув ўтказишди. Яшанба кўни командамиз ЦСКА коллективини билан куч синишиб, 2:1 ҳисобида галаба қозонди.

БИРИНЧИ ЛИГА. Жазанинг «Бўстон» команди чемпионати биринчи мағлубиятга учради. Қўриқ област' футболчилари Ярослав-да маҳаллий «Шинник» команди билан майдонга ту-пиб, 2:1 ҳисобида имкония-тин бой берди.

ИККИНЧИ ЛИГА. Мас-терлар гуруҳида иштирок этаётган командалар янаба кўни мамлакат чемпионати байроғини кўтаришди. Зонада област'имиз спорт шара-фини ҳимоя қилаётган Ян-гийўл районидан У. Юсупов номи агар ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Соҳиб-қўн» команди чемпионати галаба билан бўлишди. Футболчиларимиз ўз майдон-ларида Анджонининг «Шах-рихон» коллективини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида галаба-га эришилди.

АШАХМА

Республика шахмат-шаш-на клубида халқро яшанба бўйича республика чемпи-онати давом этаётди. Ик-кинчи раунддан ўйнаш ўт-казишди. Жадални бешта-дан очко тўплаган тошкент-лик мастерлар В. Христин-ков ва С. Гуляевлар бошқа-ри боришмоқда. Халқро классдаги спорт мастери С. Давидов активда эса 4 оч-ко бор. Мутахассислар эъти-борини чўриқнинг Ёш спорт-чи, мастеринома номзод М. Абдурахмонов ўзига жалб қилаётди. У биринчи мағлу-биятдан сўнг кетма-кет галабага эришди. Номдор ра-қиб С. Давидов билан эса мурсага келди.

АШАХМАТ

Аёлларнинг республика би-ринчилиги бахslashида чар-чиқлик спортчи В. Болдур-ва маҳорат кўрсатаётди. У 3 узрашув ўтказиб, барчаси-да галаба қозонди. Тошкент-лик шахматчи Л. Расулова активда ҳам 3 очко бор. Лекин, у нешаданга илоба-тан бир ўйинини ортқ ўт-каган. Яна бир тошкент-лик спортчи Л. Гольдман-тўрт имкониятдан 3 очко жағлариб, нешаданлар са-фида боришмоқда.

Эркалар бахslashида эса Г. Аъзамов олдинда боришти. У 5 ўйиндан сўнг тўрт оч-ко бўлди. Голландияка асосий даъвогарлик қилаёт-ган М. Рудолф активда эса 8 очко бор.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА

Эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14, 15, 16 апрель соат 19.30 да

ЦИРК ВА ТЕАТР

АРТИСТЛАРИ ИЖРОСИДА

КУЛГИ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбек паҳлавони

Юнусали ҒОЗИЕВ.

Бутуниттифоқ цирк конкурсининг лауреати

Тамара СИНДАРОВА.

ФОТИМА ВА ЗУХРА ИСМОИЛОВАЛАР ИЖРОСИДА

ПЛАСТИК УЙИНЛАР

Турғун МАЛИКОВНИНГ

СЕХРГАРЛИК МУЪЖИЗАЛАРИ

Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Толқибон БАДИНОВ, Ойтоҳи ШАБДОНОВА,

Расулжон УРАИМЖОНОВ.

Сатира, юмор ва пародиялар ижроси

Қаримжон УРИНОВ

Қўшиқ ва раисларда: Матлуба МАВЛОНОВА, Барно ҚУРБОНОВА, Мунира ТУХТАСИНОВА, Турсунали КЕНЖАЕВ ва бош-қалар қатнашадилар.

Программани — Умаржон ОЛИМЖОНОВ ва Раҳматулла НАС-риддинов олиб борадилар.

Касса соат 10.00 дан очил-ди. КОЛЛЕКТИВ БИЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИ-линмоқда.

Телефон: 44-35-91.

Тошкент област' ижроия комитетининг

МЕХНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ

Қозғистон ССР Целинград област', Павлодар совхозлари-да ишлаш учун

25 ОИЛАНИ

(механизаторлар ва ишлаб-қўн қўнлиги яшчилари ола-си)

КЎЧИРАДИ

Оилалар квартиралар, бир йўла бериладиган пул нафақа-си, белгиланган жойга бепул бориш ва бошқа имтиёзлар би-лан таъминланадилар.

ОИЛАЛАР 22 АПРЕЛДА КЎЧИРИЛАДИ.

Мурожаат учун адреслар: област' шахарлари ва районла-рида шахар-район ижроия комитетларининг меҳнат бўйича вакилларига ва аҳолини ишга жойлаштириш бюросларига, Тошкент шахрида, Привокзальная кўчаси, 30-уйга узрашил-син.

Ўзбекистон ССР Хунар-техника таълим давлат комитети

Тошкент шахридаги 2-пайабзал фабрикаси

базасидаги

149-шаҳар хунар-техника билим юрти

1981—82 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қўндаги касблар бўйича юқори малакали мухтасисларни тайёрлайди: пайабзалчи бичувчи (ҳазир пайабзалчилар ишлаб чиқариш бўйича), пайабзалнинг юза қисминини тайёрловчи, янча буюртмалар бўйича пайабзал тикувчи, мўйнақчи-бичувчи, ремонтчи-слесарь, тикувчи-мотористка.

8 синф ҳажмида маълумотли йиғит-қизлар учун ўқитиш муддати 2 йил, урта маълумотлилар учун 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ИШЧИ-ЕШЛАР МАКТА-БИ МАВЖУД.

Бошқа шахарлилар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртига қабул қилинган ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар. 8 синфни битириб киргилар эса давлат таъминотида (қўнига — уч маҳал оғват ва кийим-бош) бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар-га иш ҳақининг 50 проценти берилади.

Билим юртида бичиш ва тикитиш, тўқитиш, вокаль-чолгу, кино-фото тўғараклари ҳамда спорт секциялари ишлайди.

Қирувчилар қўндаги хужжатларини топирадилар: билим юрти директори номига Ёзилган ариза, соғлиғи тўғ-рисидаги справка, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги хужжат, 3х4 см. ҳажмдаги 6 донга фотосурат.

Хужжатлар ҳар кўни соат 9 дан 17.00 гача қа-бул қилинади.

Маълумотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шахри, Чилчорой рай-он, Домбробол массиви. Нақ қошлик кўчаси, 199-уй (16-тротуар, 123-автобуснинг «Домбробол» бекати, метро-нинг Собир Раҳимов станцияси). Телефон 76-77-45.

УЗ ТВ-11

18.35 — Қўрсатулар про-граммиси. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Эстетика асослари. 19.30 — Қизилари математика. 20.00 — Янгилик-лар. 20.20 — Сирдан ўқитган студентлар учун назарий меҳ-на. 21.20 — Телефильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТ-рида — 14-йил да Абду Али ибн Сино, 15-йил да Келилар нўзголини.

МУКМИНИ НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-да — 15-йил да Тўндан олдин томоша, 16-йил да Дилфрузга турт ошди.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР-ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14-йил да Ташвишланманг, она-жон, 15-йил да Гуноҳкор асли.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 14, 15, 16-йил да цирк ва театр артистлари ижросида кулги нечаси (19.00).

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ҲАМИША БОШ-ҚОШ

Ҳакимжон Раҳимов дирек-торлик қилаётган Ҳамза рай-ониданги 216-мактабда илгидан зиёд ўқувчи таълим олмақда. Бу ерда ҳар бир талабанин-чкур билимини, актив пози-цияда турган инсон бўлиб мамолотта етиши учун кўп ишлар қилинаётди.

Турли фанлар бўйича та-шкил этилган тўғараклар, ўт-казиётган кечалар, олимпиада-лар, бадий хаваскорлар, спортчилар кўриклари бу иш-да педагогларга ёрдам бера-ётди. Ўқувчилари ватанпар-варлик, меҳнатсеварлик ва ўзаро ҳурмат руҳида тарбия-лашда Р. Содиков, Қ. Сидди-ков, З. Нисомов, Р. Ставни-ков каби педагоглар ўрик кўрсатишадир. Бу ишларнинг ҳаммасида кўп йиллик меҳнат стежига эга бўлган қамтарин раҳбар Х. Раҳимовнинг ҳисса-си катта бўлмоқда.

Қ. ТўЛАБЕКОВ.

ИЗЗАТ-ИКОМ ЭГАСИ

Пискент районидан Мур-отали кишиларга Рабба Буви Мамасулованинг номини ҳур-мат билан тилга олишди. У ҳозир 111 ёшга кирган бўли-шига қарамай, бардам ва те-тик. Нева-неварлариникига меҳмонга бориб туради. Мо-монинг 36 невараси, 52 чева-раси бор.

А. ИКОМОВ.

СТУДЕНТЛАР
ПРАКТИКАДА

Тошкент халқ хўжалиги ин-ститутининг битирувчи студент-ларидан бир гуруҳласи област'имизнинг Галаба ва Оққўр-гон районларига, практикада бўладилар. Уларга кишлоқ хў-жалигида бугунги кундаги ҳисоби ўқитувчи О. Абдухакимов бошчилик қилди. Бу жонқуяр педагог ўзининг қамтарини ва таллабанини билан талабалар турматини қозонган.

Н. ТУРДУМУРОВОВ.

ЯНГИ ДОРИХОНА
ХИЗМАТГА ТАЙЁР

Калинин район марказида ян-ги дорихона фойдаланишга топширилди. У икки қаватли бинога жойлашган бўлиб, бар-ча қўлайликларга эга бўлган турли хоналарга ажратилган. Дорихонада врачлар учун ян-ги чиққан дорилар ҳақда маълумот бериши кабинет ҳам мавжуд.

Ж. ХУЖАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.